

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2021 йил 13 август • №31 (1363)

2021 йил - ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақкамлаш йили

Фахр

СОҒЛОМ ЮРТНИНГ МОҲИР ЧЕМПИОНЛАРИ

Япониянинг Токио шаҳрида бўлиб ўтган XXXII ёзги Олимпия ўйинларини ҳар биримиз ҳаяжон билан кузатиб бордик. Тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида юртимиз шарафини ҳимоя қилишга отланган спортчиларимиз билан бирга қалбан майдонга тушдик. Уларнинг ютуғидан кучимизга куч қўшилди.

Спортчиларимиз эришган зафарлар юртимиздаги деярли ҳар бир хонадонда тантана қилинди. Бир сўз билан айтганда, Ватан шарафи ҳимояси бутун Ўзбекистонни бир байроқ остида бирлаштирди. Шохсупада Ўзбекистон номи эълон қилиниши, байроғимизнинг юксак хилпираши, давлатимиз мадҳияси янграши шу мамлакатда яшаётган, шу юртга ўзини дахлдор билган ҳар бир фуқаронинг қалбида ғурур ва ифтихор туйғуларини жўштирди. Таъкидлаш жоизки, бу сафарги Олимпиада ўйинлари пандемия шароитида, бироз ўзгача кўринишда ўтгани билан ҳам тарихда қолди. Шундай бўлса-да, жорий йилнинг 23 июлидан 8 августига қадар бўлиб ўтган Токио Олимпиадасида ўзбекистонлик спортчилар 3 олтин ва 2 бронза медални қўлга киритди. Шу тариқа, Ўзбекистон медаллар жамғариш бўйича умумжамоа ҳисобида 32, МДХ мамлакат-

19 ёшли спортчимиз Ўзбекистон тарихида Олимпиада олтин медалини қўлга киритган энг ёш спортчи сифатида қайд этилди.

21 ёшли оғир атлетикачимиз Акбар Жўраев умумий ҳисобда 430 килограмм тошни ўзига бўйсундириб, Олимпия рекордини ўрнатди ва жамоамизга иккинчи олтин медални келтирди.

Баҳодир Жалолов финалда



лари орасида 2, туркий тилли ва Марказий Осиё давлатлари ичида 1-ўринни эгаллади. Шунингдек, мамлакатимиз оғир атлетикачилари кетма-кет Олимпиада рекордини янгиллади. Жамоамизга ilk олтин медални таэквондо устаси Улугбек Рашидов тақдим этди.

америкалик боксчини таслим қилган ҳолда Ўзбекистонга, халқимизга учинчи олтин медални туҳфа қилди.

Ўзбек дзюдосининг умидли вакили Давлат Бобонов ва эркин курашчимиз Беҳзод Абдураҳмонов эса бронза медални қўлга киритди.

9 август оқшоми. Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропорти байрамона безатилган. Бу ерда Токио Олимпиадаси иштирокчиларининг ота-оналари, яқинлари, парламент ва ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат арбоблари, ижодкор-зиёлилар, журналистлар жам бўлган.

Ҳамма ҳаяжонда. “Ўзбекистон” деб ёзилган, байроғимиз акси туширилган самолёт оҳишта кўнди. Карнай-сурнай садолари, олқишлар остида спортчиларимиз ва уларнинг мураббийлари тантанали кутиб олинди. Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида ўтган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси, Ўзбекистон велосипед спорти федерацияси раҳбари Танзила Нарбаева ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов делегациямизни кутиб олди.

Тошкент аэропорти майдонида ташкиллаштирилган маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т. Норбоева, Ўзбекистон халқ шоири М. Тоир, Ўзбекистон халқ артисти Ё. Саъдиев, Токио Олимпиадаси ўйинлари ғолиблари, уларнинг яқинлари Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатда спортни ривожлантиришга, спортчиларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, бунинг учун зарур шароит ва имкониятлар яратиб берилаётганини эътироф этиб, бундай ғамхўрлик учун миннатдорлик билдирди.

– 2019 йил Президентимизга берган ваъдамни бажардим. Ҳалабамни Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллигига бағишлайман, деб ният қилган эдим. Шу ниятим, орзуимга ҳам етдим. Ҳалабага осонлик билан эришилмайди. Мураббийларимиз билан кўп меҳнат қилдик, Токиода туриб ҳам юртдошларимизнинг қўллаб-қувватловини ҳис қилдим. Халқимизга минг раҳмат. Бизга барча шароитларни яратиб берган Президентимиздан алоҳида миннатдоримиз. Ҳаммаси

учун ташаккур, – деди Токио Олимпиадаси олтин медали соҳиби, жаҳон чемпиони Баҳодир Жалолов.

Спортчиларимиз “Янги Ўзбекистон – янги ғалабалар!” шиори билан безатилган очик автобусларда пойтахт кўчалари бўйлаб йўлга чиқди. Вақт алламаҳал бўлишига қарамай, йўл бўйида минглаб юртдошларимиз ўз қаҳрамонларини кўтариб кайфият ва миннатдорлик ҳисси билан олқишлаб турди.

Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитасида спортчиларимизни тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Токио Олимпиадаси медалларига мушарраф бўлган спортчиларга Ўзбекистон Республикаси Президенти совғалари – енгил автомашина ва уйлари калитлари тантанали равишда топширилди.

Мутасаддилар сўз ўрнида Олимпиячиларимизга Президент табригини ва ўзларининг илиқ тилақларини билдириб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Абдуҷаббор Абдувоҳидов ва Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаевлар ҳам иштирок этди.

Ўз навбатида, спортчиларимиз кўрсатилаётган бундай эътибордан мамнун эканликларини билдириб, келажакда ватанимиз байроғини янада кўкларга кўтаришга ваъда берди.

ЎЗА.



Таълим ва сифат

СЎНГГИ БЕШ ЙИЛДА ТИББИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА
ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР РЎЙ БЕРДИ?

Сўнги беш йил ичида мамлакатимизда тиббий таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш ва юқори малакали мутахассисни шакллантиришда тиббиёт олий ўқув юртлирида талабаларни тайёрлаш, таълим жараёнида янги педагогик технологиялар ва инновациялар, замонавий

ахборот технологияларидан кенг фойдаланишга эътибор кучайтирилмоқда. Тошкент тиббиёт академияси ректори Алишер ШОДМОНОВ ана шундай кенг қўламли ислохотлар самараси ҳамда тиббий таълимнинг аҳамиятли жиҳатлари, бошқа таълим турларидан фарқи ҳамда мавжуд муаммолар хусусида сўз юритди.



— Бўлажак шифокорларни ўқитиш жуда ҳам масъулиятли вазифа бўлиб, Ўзбекистон тиббиётининг эртанги тақдири биз таҳсил бераётган талабаларга боғлиқ, — дейди А.Шодмонов. — Шундай тиббиёт кадрларини тайёрлашимиз керакки, улар ўзларининг тўғри ташхиси, муолажаси билан ҳар бир бемор умрини узайтиришга, саломатлигини тиклашга хизмат қилсин. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи тарғиботчиларига айлансин. Шу мақсадда бугунги кунда талабаларга нафақат назарий билим, амалий кўникмалар ҳамда шифокор тажрибаси сингдирилишига аҳамият қаратилмоқда. Касбий маҳорат ва кўникмалар ўқитувчи томонидан ўқувчига билим билан бир қаторда "қўлдан қўлга" ўтказилмайди. Бу кўникмалар талабанинг тажрибали ўқитувчилар томонидан ташкил этиладиган мустақил фаолияти натижасида шаклланади. Тиббиёт олий ўқув юртлирида биз шундай шароитни яратишимиз керакки, бунда талабада доимий равишда ўзини ўзи такомиллаштириш ва билим олишга бўлган эҳтиёжлари ривожланиши керак. Чунки тиббий таълим олийгоҳни тугатгандан сўнг яқунланмайди, балки "бутун умр" давом этади. Тиббий таълим сифати тўғрисида биз жуда кўп сўз

юритамиз, аммо таълим сифати деганда нимани тушуниш керак, уни қандай ўлчаш ва қандай яхшилаш мумкин? Бу саволларга жавоблар шунчаки оддий эмас. Юқори сифатли таълим, шу жумладан, тиббий таълим — бу таълим дастурларининг миқдорлар талаблари ва таълим стандартларига мослиги, манфаатдор томонларнинг таълим сифатидан юқори даражада қониқиши, таълим муассасаси ўқитувчилари ва ходимларининг ўз ишларидан мамнун бўлишлари, жамиятга ижобий таъсир кўрсатиши, жамият аъзоларининг умумий маданияти ва билим савиясининг ортишидир. Ривожланган мамлакатларда тиббий таълимнинг устувор йўналишларида глобал ўзгаришлар юз берди: тизимдан жараёнга, сўнги ўн йилликда эса таълим натижаларига ўтишти. Бу таълим жараёнига янги ўқитиш технологиялари, жумладан, муаммоли, электрон, аралаш, симуляцион ва бошқа турларни фаол жорий этиш билан намоян бўлди. Шунинг тан олиш керакки, бугунги кунда юртимиздаги тиббиёт олий ўқув юртлирининг моддий-техник базаси халқаро стандартларга мос келмайди. Бизнинг ўқув биноларимиз, ўқув хоналаримиз ва лабораторияларимиз вақт талабларига жавоб бермайди.

Шу билан бирга, биз доимо ушбу муаммоларни ҳал қилиш йўллари излаيمиз. Исталган натижага эришиш учун биз ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаларини инобатга олишимиз ва барча яхши томонларини тиббий таълим тизимига киритишимиз керак.

Ҳозирги кунда республикамиз тиббиёт таълими олдида талабалар сонининг ортиб бориши, уларнинг ўқитиш услубига бўлган талабларининг ўзгариши ва назария ҳамда клиник амалиёт ўртасидаги бўшлиқни камайтириш зарурати сингари бир қатор муаммолар турибди. Бундан ташқари, беморларнинг хавфсизлиги, ахлоқий муаммолар, соғлиқни сақлаш ходимлари масъулиятининг ортиб бориши, талаб қилинадиган касбий малакаларнинг юқори даражаси, муолажа ва усулларнинг тезкор ривожланишига эътибор кучаймоқда. Буларнинг барчаси мавжуд ўқув воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқув дастурларини халқаро стандартларга мослаштиришни талаб қилади.

Бугунги кунда тиббиёт соҳасида юқори малакали мутахассисларнинг кескин танқислиги сезилмоқда. Шу сабабли, олий тиббий таълим соҳасидаги асосий йўналишлардан бири, назарий билимларнинг тегишли даражасини сақлаб қолган ҳолда, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашнинг амалий йўналишини сезиларли даражада кучайтириш зарурати эканлиги табиийдир.

Инновацион таълим технологияларининг ўқув жараёнига жорий этилиши Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашнинг рақобатбардошлигини оширишга қодир юқори малакали мутахассисларга бўлган талабни белгилайди.

Ҳукуматимиз томонидан тиббий таълим сифатини ошириш учун кўп ҳаракатлар қилинмоқда. Бунинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг 7 декабридаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони, 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ти-

зимини ривожлантириш концепцияси, 2019 йил 6 майдаги "Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фан тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва бошқа яна бир қанча ҳужжатларнинг қабул қилинишида кўриш мумкин.

Тиббиёт олийгоҳлари битирувчиларига интеграллашган назарий ва клиник билимлар, кўникмаларни сингдириш, юқори тиббий технологияларни ўзлаштиришда ёрдам бериш ва бўлажак шифокорда ижтимоий мослашув қобилиятини шакллантириш зарур. Ушбу вазифаларни амалга ошириш орқали талабаларда кучли мотивацион муносабатлар, чуқур ихтисослашув, интеллектуал ва шахсий имкониятларни рўёбга чиқариш ва етук тиббиёт ходимини тайёрлаш мумкин бўлади.

Тиббиёт олийгоҳи ўқитувчисининг вазифаси талабаларнинг мустақил фаолиятини аниқ ташкил этиш ва унумли бошқаришдир. Яъни вазифаларни белгилаш, уларни ҳал қилиш йўллариини коррекция қилиш, талабаларнинг саъй-ҳаракатлари натижаларини қайд этиш ва баҳолаш. Агар талаба мустақил равишда билим олишни ўрганмаса, у ҳолда ундан ўз фаолиятини тўғри таҳлил қила оладиган ва танқидий мушоҳада қилишга қодир яхши шифокор чиқмайди.

Аммо бугунги кунда барча уринишларимизга қарамай, тиббиёт олий ўқув юртлири битирувчилари юқори технологияли, инновацион ускуналарда ишлаш учун амалий кўникмаларга эга эмаслар. Кўпинча уларнинг билимлари фақат назария билан чекланган. Фақат бир қатор ёш шифокорлар чет эл клиникаларида ёки таълим муассасаларида ўз малакаларини ошириши мумкин, чунки уларнинг нархи анча юқори. Шифокорлар олинган кўникмаларини доимий равишда амалда қўллаши лозим.

Тиббий таълимнинг анъанавий шакллари шифокорнинг беморлар билан фаол иш олиб боришидан олдин тўлиқ хавфсиз ва самарали ўқитишни таъминламайди. Бундан ташқари, шифокорларнинг компетентлик даражасини назорат қилишнинг амалдаги шакллари номувофиқ ёки етарли эмас.

Амалий дарсларда талаба ёдланган матнни шунчаки қайта айтиб бермаслиги, балки амалий муаммоларни ҳал қилишни ўрганиши керак. Талабаларнинг вазифаси ўқитувчи-мурабий ва маслаҳатчи ёрдамида мустақил равишда ўқишдир. Аввало, бу талабанинг мотива-

ция нуктаи назаридан ўз мақсади ва қадриятларини тўғри тушунишни талаб қилади: мен нимани ва нима учун ўрганишни хоҳлайман. Бунда интеллектуал ва когнитив интилишларни англаш ҳам муҳим ҳисобланади — концептуал билимларни, фаолиятнинг меъёрлари ва усулларини эгаллаш муҳим аҳамиятга эга: мен ўрганишим мумкин, мен нимани ва қандай қилиб бажаришни аниқ биламан.

Бирок нафақат ўқитишнинг инновацион технологияларидан фойдаланиш, балки улар орқали талабалар намоян қила олиши мумкин бўлган аниқ натижаларга эришиш керак. Ушбу барча тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилиш учун тиббий таълимга симуляцион ўқитиш тизимини олий ўқув юртидан бошлаб узлуксиз таълим босқичига кенг жорий этиш зарур.

Амалиёт ўтайдиган ва шифокорлар малакасини оширадиган дунёдаги кўплаб тиббиёт университетлари ва етакчи клиникаларида симуляцион ускуналар ва техник характеристикалари ҳақиқий беморга максимал равишда яқинлаштирилган робот-пациентлар ўрнатилган. Уларда талабалар билим даражасини баҳолаш ва барча йўналишлардаги шифокорларни аккредитация қилиш тизими жорий қилинган.

Симуляция — бу реал жараённинг бажарилиши ёки тизимнинг маълум вақт давомида ишлашига тақлид қилишдир. Симуляция кўплаб шароитларда, масалан, ишлашни оптималлаштириш технологиясини симуляция қилиш, хавфсизликни лойиҳалаш, синовдан ўтказиш, ўқитиш, таълим ва видео ўйинларда қўлланилади. Тиббий мутахассисларни назарий ва клиник тайёрлаш жараёнида шахслараро мулоқот, клиник фикр юритиш ва режалаштириш каби кўникмалардан ҳам фойдаланилади.

Бугунги кунда тиббиёт олий ўқув юртлирида талабалар сони кескин кўпайгани учун ҳар бир беморга 8-10 нафардан талаба тўғри келмоқда. Этика тамойиллари нуктаи назаридан бу тўғри эмас, чунки оғир беморларга алоҳида эътибор бериш ва уларнинг қулик режимида риоя қилиш талаб қилинади. Ҳаттоки сўраб-суриштириш каби зарарсиз муолажа ҳам беморни чарчатиб қўйиши мумкин. Тиббий таълимнинг ушбу муаммоларини ҳал қилиш учун симуляцион технологиялар зарур. Бу эса барча алгоритмлар ва амалий кўникмаларни беморнинг соғ-

► (Давоми 3-бетда)

Таълим ва сифат

СЎНГГИ БЕШ ЙИЛДА ТИББИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА
ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР РЎЙ БЕРДИ?

► (Давоми. Боши 2-бетда)

лигига зарар етказмасдан бажариш, талабалар ва шифокорларга фавқулдда вазиятларда ҳаракат қилишни ўргатиш имконини яратади. Бундан ташқари, ҳозирги вақтда ривожланаётган даволашнинг минимал инвазив усуллари қўллаш, тиббий асбоб-ускуналардан самарали фойдаланишни ўрганиш учун ҳам симуляцион ўқитиш муҳимдир. Талаба беморнинг ёнига амалий кўникмаларни бажаришни автоматизм даражасига етказгандан кейингина келиши керак. Бу талабанинг бемор ёнида ўзини дадилроқ ҳис қилишига имкон беради. Симуляцион машғулотлар давомида клиникада аниқ симптомлари бўлган бемор бор ёки йўқлигидан қатъи назар, ўқув дастурида кўзда тутилган барча касалликлар билан танишишга имкон яратилади. Энг муҳими, симуляцион технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқитиш жараёнида ҳар бир талаба учун алоҳида режалаштирилган амалиёт ўтказиш имконияти мавжуд. Симуляцион ўқитиш жа-

раёни амалий кўникмалар, алгоритмлар ва мулоқот кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган тадбирларни ўз ичига олади.

Амалий кўникмаларни ўзлаштириш ва мутахассисларни тайёрлаш сифатини ошириш учун 2018 йилда Тошкент тиббиёт академияси қошида замонавий робот симуляторлар, муляжлар, фантомлар ва 3Д-дастурлар (виртуал бемор, патолоджи 3Д) билан жиҳозланган симуляцион таълим маркази ташкил этилди. Тошкент тиббиёт академиясида талабалар 1-босқичдан бошлаб симуляцион марказда таълим олишади, у ерда беморларни парвариш қилиш кўникмаларини ўзлаштириш учун алоҳида хоналар мавжуд. Катта курс талабалари ва магистрларга ўқув дастурига мувофиқ тиббий манипуляция (вена ичига дориларни юбориш, мушак ичига инъекция қилиш, ошқозонни ювиш ва бошқалар), юрак-ўпка реанимацияси асослари, бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш, акушерлик кўникмалари, болаларга ёрдам бериш кўникмалари, урология, онкология, оториноларин-

гология, офтальмология, эндохирургия (лапароскопия, гистероскопия) бўйича алоҳида хоналар ташкил этилган.

2020-2021 ўқув йилида Тошкент тиббиёт академиясида биринчи мартаба даволаш ва тиббий педагогика йўналишлари 6-курс талабаларининг якуний давлат имтиҳонлари симуляцион марказда бўлиб ўтди. Битирув имтиҳонларида инсон омилининг ролини пасайтириш битирувчилар ўртасида стресснинг камайишига ва объектив баҳолашга олиб келди.

Республикамиз учун симуляцион ўқитиш янги соҳа эканлигини инобатга олган ҳолда ТТА маъмурияти Россиянинг РОСОМЕД компанияси (Россияда тиббиётда симуляцион таълим жамияти) билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди. 2021 йил 28 майдан 5 июнгача ТТАнинг 124 нафар ходими И.М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети фундаментал тиббиёт факультети Клиник моделлаштириш ва мануал кўникмалар кафедраси томонидан ташкил қилинган симуляцион ўқитиш бўйича онлайн курсларда иштирок этди. Тренингни якунлаб, тест



синовларидан муваффақиятли ўтган 70 дан ортиқ ўқитувчи халқаро сертификатга эга бўлишди. 2021 йил 11 июнь куни ТТАда халқаро экспертлар иштирокида симуляцион ўқитиш технологиялари бўйича маҳорат дарслари ўтказилди.

Тошкент тиббиёт академияси мамлакатимиздаги бошқа тиббиёт олий ўқув юрлари сингари симуляцион таълим бўйича энди биринчи қадамларни қўймоқда. Ушбу тизимни янада такомиллаштиришимиз ва ривожлантиришимиз лозим.

Шунингдек, Ўзбекистон тиббиётининг келажаги битирувчиларимизнинг сифатига боғлиқлигини тўла англаган ҳолда барча амалга ошираётган ва режалаштираётган ишларимиз замирида тиббиёт олий таълим даргоҳларида таълим сифатини ошириш мақсади мужассам.

Моҳигул ҚОСИМОВА

Бугуннинг мавзуси

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК —
ПАНДЕМИЯДАН ҲАМ ХАВФЛИРОҚДИР

Хабарингиз бор, жорий йил май ойидан бошлаб коронавирусни даволаш бўйича ихтиёрий шартнома имзолаган хусусий шифохоналарга ушбу касалликни даволаш бўйича рухсат берилган эди.

Бироқ “COVID-19” инфекциясини даволашда қатнашаётган баъзи хусусий тиббиёт муассасалари шартномада кўрсатилган талабларга тўла амал қилмапти. У ердаги беморларнинг барчаси ҳам белгиланган кўрсатмалар асосида даволанаётгани йўқ. Жумладан, беморларнинг касаллик тарихлари таҳлил қилинганда айрим нодавлат клиникаларда касалларга керагидан ортиқ дори-дармонлар, тегишли кўрсатма мавжуд бўлмаса-да, бир вақтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ антибиотик ва гормонлар буюриляётгани маълум бўлмоқда. Айрим хусусий клиникаларда эса беморларга даволаш стандартларига зид равишда меъёрдан ортиқ даражада инфузион суюқликлар қуйилаётгани аниқланмоқда. Шунингдек, етарли билим ва савияга эга бўлмаган, санитария-эпидемиология қоидаларига ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган стандартларга риоя қилинмаган бундай шифохоналарда муолажа олаётган кўплаб беморлар оғир асоратлар билан ихтисослашган дав-

лат тиббиёт муассасаларига ўтказилмоқда. Бу эса тизим иш тартибда фаолият юритаётган давлат тиббиёт муассасаларидаги шифокорлар ишини янада кийинлаштирмоқда.

“COVID-19” инфекциясига чалинган беморни касалликнинг дастлабки босқичида турли инфузион суюқликлар билан даволаш, бир вақтнинг ўзида бир неча антибиотик ва гормонларни қўллаш хасталикнинг тез сурагидега оғир шаклга ўтиб кетишига сабаб бўлади. Афсуски, бугун уй шароитида, қолаверса, баъзи хусусий тиббиёт муассасаларида беморларни даволашда айнан ана шу хатоликларга йўл қўйилмоқда. Бунинг натижасида жорий йил июнь-июль ойида биргина Зангиота 1-юқумли касалликлар шифохонасига Тошкент ва Сирдарё вилоятлари ҳамда пойтахтимиздаги 20 дан зиёд хусусий тиббиёт клиникасида даволанган 31 нафар “COVID-19”га чалинган бемор оғир аҳволда олиб келинган. Бугунга келиб, ушбу беморларнинг 7 нафари шифокорларимизнинг саъй-ҳаракатлари сабаб касалликдан

бутунлай соғайган бўлса, қолган беморлар эса жонлантириш бўлимида даво муолажаларини олмоқда. Энг ёмони, ушбу беморлар орасида ўлим ҳолатлари ҳам кайд этилмоқда. Бу эса ачинарли ҳолатдир. Жорий йил 21 июль куни Яққасарой туманида яшовчи 1989 йилда туғилган фуқаро У.Ш. Зангиота 1-юқумли касалликлар шифохонасига ўта оғир аҳволда олиб келинган. Бунгача бу бемор ўзбошимчалик билан уй шароитида, сўнг пойтахтимиздаги хусусий клиникаларнинг бирида антибактериал, пульс терапия, вирусга қарши антикогулянт даво чораларини олган. Беморнинг умумий аҳволида ўзгариш бўлмагач, бизга мурожаат қилган. Беморда коронавирус инфекциясининг оғир даражада кечиши, икки томонлама пневмония, ўпка шиши, ОРДС синдроми каби белгилар аниқланган. Афсуски, керакли текширув ва даво муолажаларига қарамасдан, бу бемор шу йил 29 июль куни вафот этган. Шу ўринда хусусий тиббиёт клиникаларида фаолият олиб бораётган шифокорлардан коронавирус чалинган беморларни даволашда белгиланган кўрсатмаларга амал қилишларини, дори воситаларини ўрнатилган қоидаларга мувофиқ



тайинлашларини сўраб қоламан. Эслатиб ўтамиз, бугунгача пойтахтимиздаги 25 та, вилоятлардаги 6 та хусусий шифохонага “COVID-19”га чалинган беморларни даволаш бўйича рухсат берилган бўлиб, яқинда пойтахтимиздаги “ASIA SHINE HOSPITAL” хусусий шифохонаси билан Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси ўртасида коронавирусга чалинган беморларни даволаш бўйича 2021 йил 19 июлда имзоланган шартнома бир томонлама бекор қилинган. Вазирлик, юқорида-

гилардан келиб чиққан ҳолда мулкчилик шаклидан қатъий назар “COVID-19” инфекцияси билан касалланган беморларни даволашда белгиланган диагностика ва даволаш стандартларига амал қилиш лозимлигини яна бир бор эслатиб, ушбу даволаш муассасаларда назорат ишларини мунтазам олиб борилишини маълум қилади.

Анвар ҲУСАНОВ.
Зангиота 1-юқумли касалликлар шифохонаси директори

Эътироф

КАСБИДАН БАХТ ВА ЭЪЗОЗ ТОПГАН ИНСОН



Хаётимиз шиддат билан ўзгариб, глобаллашув жараёни шунчалик тезлашиб кетдики, баъзан ортидан қувиб етолмай қоляпмиз. Шунинг учунми, бугун кимни кўрманг, қаергадир шошган, кимни учратманг, сиз билан бирпасга бўлса-да гаплашишга, ҳатто хол-аҳвол сўрашишга вақти йўқ. Аммо орамизда шундай инсонлар борки, улар ўзининг оилавий ва кундалик ташвишларидан ортиб, хаётини одамлар дард-у ташвишларига шерик бўлиш, уларнинг оғирини енгил қилишга кўмаклашиш, қисқа қилиб айтганда, доимо халқ, оддий одамлар хизматида бўлишни бахт деб билади. Шундай ватанпарвар инсонлардан бири, айни пайтда 70 ёшни қаршилайётган пойтахтимиздаги 1-сон болалар клиник шифохонаси статистика шифокори Исроил ИСМОИЛОВдир.

Исроил Исмоилов Навоий вилоятининг Нурота шаҳридаги 1-сон ўрта мактабни 1967 йилда аъло баҳолар тугатиб, хужжатларини Самарқанд давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетига топширди ва талаба деган номга мушарраф бўлди. У ўзининг билимга ташналиги ва касбига бўлган иштиёқи билан курсдошлари орасида ажралиб турарди.

1973 йилда институтини муваффақиятли тугатиб, врач-терапевт маълумотига эга бўлди. У, ҳатто, институтда билим олиш билан бир қаторда, амалий фаолиятни ҳам ёнма-ён олиб борди. 1971-1973 йилларда Самарқанддаги шифохонанинг урология бўлимида фельдшер сифатида иш олиб борди. 1973-1974 йилгача Бухоро шаҳар шифохонасида интернатурани ўтади.

Еш шифокор кейинги фаолиятини Навоий шаҳридаги тиббиёт муассасаларида давом эттирди. Эътирофлиси шундаки, ўз касбининг моҳир устаси Исроил Исмоилов сал кам 40 йил мобайнида вилоят аҳолиси саломатлиги йўлида фидойиларча меҳнат қилди (1974-2013 йиллар). Жумладан, “Навоиозот” корхонаси тиббий санитария қисми профпатологи, бош шифокор муовини, санаторий-профилакторий бош шифокори, Навоий вилояти шифохонаси бош шифокори муовини, 1-сон шаҳар поликлиникаси бош шифокори, Навоий шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими мудир, “Навоиозот” корхонаси тиббий санитария қисми бош шифокори муовини, Навоий шаҳар тиббиёт билим юрти директори, Навоий вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси мутахассиси, Навоий шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси бош шифокори, Навоий шаҳар ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича муовини, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси директори, Навоий тоғ-металлургия комбинати 24-сон тиббий санитария қисми бошлиғи ва Навоий тоғ-металлургия комбинати тиббий санитария қисми услубиётчи-шифокори лавозимларида фаолият олиб борди.

Халқ дуосини олишдек саодатга эришган Исроил Исмоиловнинг кейинги умр ва фаолият йўли пойтахтимиздаги шифохоналар билан чамбарчас боғланиб кетди. У 2013 йилдан бўён, Тошкент шаҳридаги 1-сон болалар клиник шифохонасида тиббий статистика шифокори лавозимида фаолият юритиб келмоқда. Тиниб-тинчимас шифокор, олий тоифали жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлаш ташкилотчиси Исроил Исмоилов ўз устидан ишлаб, касбий малакасини мунтазам ошириб келмоқда. Қарийб 50 йиллик умрини тиббиётнинг машаққатли ва синовли кунларига бахшида этган Исро-

Аҳрор ЯРКУЛОВ,
Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва аттестациядан ўтказиш Республика маркази директори:

Исроил Исмоилов шундай инсонки, меҳнатдан асло чарчамайди. Бу ажойиб, камтарин ва самимий инсон менинг қадрдон курсдошимдир. Қарийб 50 йил умрини тиббиётдек машаққатли касбга бахшида этиб, ҳали ҳамон бу соҳада кўп қилган шогирдларга устозлик қилиб келмоқда. У кишидаги камтарлик, самимийлик, касбга фидойилик фазилатларини юксак қадрлайман. 70 ёшга кирган бўлсалар-да, мунтазам ўз устиларида ишлаб, касб малакаларини оширишга бор куч-ғайратларини аямаядилар. Баъзида “Сизнинг ўзингиз тирик энциклопедия бўлсангиз, қайта-қайта малака оширишининг нима кераги бор?” деб ҳазиллашаман, шунда у киши кулиб: “Бешикдан то қабргача илм изла” дейилган ҳадисларда деб қисқа жавоб бериб қўя қоладилар. Буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино хаётини Исроил Исмоиловчаллик ҳеч ким чуқур билмас керак. Тиббиёт тарихини доим ўраганиб, унинг сиру синоатларини очиш йўлида тинмай изланадилар. Илм йўлидаги бу ноёб фазилатларини ёшларга ўрнак қилиб кўрсатаман. Бундай инсонлар орамизда кам. Умрлари узоқ бўлсин, оилалари, фарзандлари ва замондошлари бахтига соғ-саломат юрсинлар.

Мавлуда ТАБИБОВА,
Тошкент шаҳар 1-сон болалар клиник шифохонаси бош шифокори:

– Ён-атрофимизда шундай инсонлар борки, улар билан замондош бўлганиндан, бир жамоада ҳамнафас бўлиб меҳнат қилганиндан афсусланмайсан. Исроил Исмоилов билан мана кўп йиллардан бўён бирга фаолият юритиб келамиз. У киши жамоага кириб келганида ёки мулоқотга киришганда кайфиятингиз бирданига кўтарилади. Самимий суҳбатдан баҳри дилингиз яйрайди. Бизнинг ишимиз асосан болажонлар ва уларнинг ота-оналари билан боғлиқ, Исроил ака болажон инсон. Ҳатто оғир дард билан курашаётган ширин дилбанднинг ота-онасига шундай куч ва далда берадиларки, у кишидаги бу қобилият, бу маънавият ва маданиятни кўриб, хурматинг чексиз ошади. Шифохонадаги ҳар бир рақам ортида болажонларимиз тақдири ётибди. Исроил Исмоилов ана шундай масъулиятли вазифани сидқидилдан бажариб келмоқдалар. Ишлари анча оғир, масъулиятли бўлишига қарамасдан ҳар бир масалага сидқидилдан ёндашдилар. Бу инсондан ўрганадиган фазилатлар кўп. Қутлуг ёшлари билан табриклар, халқ хизматидан асло чарчмасликларини тилаб қолам.

ил Исмоиловнинг беқиёс хизматларини навоийликлар яхши таассуротлар билан эслайди. Шунингдек, Исроил Исмоилов Навоий вилоят ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш тиббиёт билим юртини ташкил қилишда ва Зарафшон шаҳри тиббиёт билим юртини очишда ўзининг катта ҳиссасини кўшган. Таъкидлаш жоизки, моҳир шифокорда ижодкорликка хос ноёб қобилиятнинг борлиги унга Оллоҳ томонидан берилган истеъдоддир. Шифокорларни матбуотга ошно қилиш мақсадида унинг саъй-ҳаракатлари билан Навоий вилояти тиббиёт ходимларининг ягона минбари ҳисобланган – “Саломатлик” газетаси 1996 йилда ташкил этилди. Қалби маънавиятга йўғрилган Исроил Исмоилов кўп қилган китоблар, илмий рисо-

лалар ва услубий қўлланмаларнинг муаллифидир. Жумладан, унинг «Энтузиасты здравоохранения», «Дневные стационары в лечебно-профилактических учреждениях Навоийского Горно-металлургического комбината», «Клянусь обучаться всю жизнь», «Рожденный в Афшане» (Буюк энциклопедист олим Абу Али Хусайн ибн Абдулла ибн Сино тўғрисида), «Учитель, яркий последователь Хусейн ибн Сино», «Эликсир долголетия Авиценны» китоблари ўзининг сеvimли ўқувчилари қалбидан ўрин олган.

Умр оқар сув деганларидек, ойлар йиллар ўтиб, у ўзининг кўп йиллик ҳаёт ва фаолият йўлини халқ саломатлиги йўлида бахшида этиб, даволаш, тиббиётни ташкил қилиш, бошқариш ва молиялаштириш, тиббиёт

статистикаси йўналишларида ўзининг ташаббускорлиги ва меҳнатсеварлиги билан эл назарига тушди. Ўз касбининг фидойиси Исроил Исмоилов шифохонадаги маънавият ва маърифат тарғиботи семинарларида фаол қатнашиб, машғулотларни мазмунли ўтказиб, бор куч ва маҳоратини ишга солиб келмоқда. Унинг муштақиллигимизни муштақамлаш, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ва миллий ўзлгимизни англантишга қаратилган ҳар бир чиқишлари алоҳида хурмат билан тилга олинади.

Ҳар бир инсон жамиятдаги ўрни ва обрў-эътиборини устоз меҳнатсиз тасаввур эта олмайд. Шундай экан, бугунги кунда қутлуг 70 ёшни қарши олаётган Исроил Исмоилов

бўлмайд. Менинг ҳаётда ва жамиятда ўз ўрнимни топишимда азиз устозим, авваломбор, менга тўғри йўл кўрсатган, ҳаёт қийинчиликларини енгимда суянчиқ бўлган падари бузрукворим Исмоил Самандаровни хурмат ва эҳтиром билан тилга оламан. Шунингдек, илк бор қўлимга қалам тутқазган, билим уммонига чорлаган адабиёт фани ўқитувчиси Сирож Аслонов, Бухоро шаҳар шифохонасида интернатурани ўтаётган вақтимда амалиётга раҳбарлик қилган кардиолог-шифокор, меҳрибон устозим Иосиф Альпен ҳамда навоийлик устозларим И.Фуломов, Қ. Абдулқодиров, Е. Норбоев, шунингдек, айни пайтда биргалликда ҳамнафас бўлиб фаолият олиб бораётган хурматли устозим профессор Дамин Асадовларнинг номларини чексиз

хурмат билан тилга олиб, улардан бир умр миннатдор эканлигимни чин дилдан иззор этаман ва ана шундай устозларим билан фахрланаман”.

Суҳбатимиз давомида устозларига эътироф берган Исроил Исмоилов негадир чуқур ҳаёлга толди ва хўрсиниб турмуш ўртоғи Тошбиби Холовани эслаб, куйидаги дил кечинмаларини айтиб ўтди:

“Менга бир умр ўз меҳрини берган, фарзандларимизни дунёга келтириб менга оталик унвонини берган, мен билан 45 йиллик ҳаётини боғлаб бахт инъом қилган муқаддас аёл, рафиқам Холова Тошбиби доимо барҳаётдир. Рафиқам гоят катта жавобгарликни ҳис қиларди. Ўтказган ҳаётимизга ташаккур, ва миннатдорчилик билдириб, меҳр-муҳаббат билан қарарди”.

Бугунги кунда устозимизнинг фарзанди Нилуфар ота касбини улуглаб, халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилиб келмоқда. Севимли набираларининг бобоси доимо уларнинг куршовида.

Ҳа, шогирдлар камолини кўришдек олий бахтга эришган фидокор шифокоримизнинг босиб ўтган ҳаёт йўли бугунги авлод учун ибрат мактабини ўтаб келмоқда. Шу ўринда мен ҳам устозим Исроил Исмоиловнинг инсонийлик фазилатларини, теран фикрлигини, қолаверса, интеллектуал салоҳиятларини жуда хурмат қиламан. Фурсатдан фойдаланиб, жамоамиз номидан устозимизнинг қутлуг 70-ёшлари билан самимий муборакбод этаман.

Ибодат СОАТОВА,
журналист.

Мозийдан садо

НУР САФАРИ МУЪЖИЗАЛАРИ

Х аср охирида машхур табиб даражасига етган ва халқ орасида танилган, 976-977 йилларда Бухоро амири бўлган, Сомонийлар сулоласини вакили Нур II ибн Мансурни даволаб табиблар орасида шов-шувга сабабчи бўлган ва замонасининг етук олими даражасигача кўтарилган талантили Хусайн ибн Сино 999 йилнинг ёз фаслида бир шогирди ҳамроҳлигида қадимий Нур шаҳрини (Нур чашмаси мажмуаси) зиёрат қилиш ва атрофидаги тоғлар ён бағирларида, бегубор далаларида ўсган доривор ўсимликлардан йиғиш учун сафарга чиқди.

Бухорои Шариф пойтахти бўлган, кудратли Сомонийлар давлатига қарашли Нур шаҳри, обод ва кўркам музофотлардан биридаги тарихий ва гўзал шаҳар бўлиб, исломий марказлардан бири ҳисобланган. Нур шаҳрининг (Нурота) зиёратгоҳи, муқаддас ва улуғвор Чашма мажмуаси таркибига қирадиган, Чилустун жомеъ масжиди, сув баллиқларга тўла Нурнинг бош зиёратгоҳи – “Чашма” булоғи ҳамда тиник ва зилол сув оқаётган бош ариқ ва ундан ажралиб гузарларга оқадиган ариқларихисобланар экан. Бухорои Шарифда яшаб фаолият юритган тарихчи Муҳаммад Наршахийнинг “Бухоро тарихи” (943-944 милодий йилларда араб тилида ёзилган) асарида ёзишча Нур шаҳридаги илк масжид – Чилустун жомеъ масжидини тўртбурчак, йиғирма беш гумбазли, қирқ устунли, марказий гумбазда куёш соатли килиб 9-асрдан аввал қурилган. Тарихчи Муҳаммад Наршахий “Бухоро тарихи” асарида “...Бухоро ва бошқа жойларнинг одамлари ҳар йили зиёрат учун у ерга (Нурга) бордилар... Тобеъинлардан кўп кишилар у ерга дафн этилганлар...” (95-бет) деб ёзиб қолдирган. Бухоролик хурматли меҳмонлар мезбонлар раҳнамолигида муътабар валий-дошиманд Ҳазрат Шайх Абул Ҳасан Нурий авлиё зотнинг табаррук зиёратгоҳ ҳисобланган қабрларини зиёратига кирдилар. Валий Абул Ҳасан Нурий

кароматлар соҳиби бўлганлари, масофани хаёлий тезликда босиб ўтишлари тасаввуфий далилларда ифода топганлиги ҳақида эшитдилар. Бу ҳол “кавний” (моддий, сурат) каромат: одадан ташқари иш бўлиб, у авлиёларга диний ёки дунёвий ишда кўмак беради ва бир лаҳзада узоқ масофага бориш (таййи макон), зарур ҳолларда озик-овқат, кийим ва бошқа нарсаларнинг ҳозир бўлиши, сув юзида юриш, ҳавода учиб, жонсиз нарсалар билан сўзлашиш, бало-офатларнинг даф бўлиши, душманларни доғда қолдириш кўринишларда намоён бўлади. Бинобарин, аҳли суннат олимлари наздида каромат ҳақ ва валий зотларгагина хос. Буларни эшитган ёш олим Хусайн ибн Сино факат илмда пешқадам бўлмай, хулқу одобда, хушмуомала ва садокатда, қаноат ва риёзатда ҳам тенгсиз бўлишга интилишини кўнглига тугиб олди. Қисқа муддат бўлса ҳам меҳмонлар зиёрат пайтида дунё машғулотларини тарк этиб, охиратни ўйладилар, зиёратгоҳда виқор билан, секин юриб, қабр аҳлларига салом бердилар, тик туриб “Ясин” сурасини ўқидилар, савобини ўлганларга атадилар, мўминларни яхши сифатларини есладилар. Шайх Абул Ҳасан Нурий қабрларида зиёрат амалларини бажарганларидан кейин сокинлик ва вазминлик билан Чилустун жомеъ масжиди томон йўл олдилар. Намоз вақти кирганидан фойдаланиб, таҳоратли, пок

кийимлар кийган, покиза Чилустун жомеъ масжидида қиблага юзланиб ўтиришган аҳли мўминлар қаторига жойлашдилар. Яхши ниятлар қилиб икки рақъат намоз ўқидилар, Нур шаҳри аҳолисига тинчлик-омонлик тилаб, Аллоҳнинг раҳмати бўлсин деб дуо қилдилар.

Миллий маънавият, маданият ва қадриятларнинг ноёб дурдонаси, муқаддас ва улуғвор қадамжо ва зиёратгоҳ Нур шаҳри чашмаси мажмуасини кўз қорачиғидек асраб-авайлаб авлодларга муносиб етказишни бурч ва вазифаси деб билган шаҳар фуқароларига тасаннолар айтдилар. Шуниси эътиборлики, Нур шаҳридаги чашма булоғидан чиқаётган шифобахш сувнинг маҳалла ва гузарларга кириб ўтувчи ариқлар орқали тақсимланиб оқиб, ҳар бир хонадонга кириб ўтиши, сувни тўғридан тўғри ариқдан истеъмол қилиниши ва аҳоли томонидан сувни кўз қорачиғидай, гард юктирмай асраш юқори даражадаги маданият белгисидир. Шу ариқлар чеккасида ва ер қаридан «**Коризлар**» орқали чиққан сув оққан далалардаги ариқлар атрофида гурқираб ўсаётган ялпизнинг (*Mentha piperita*), майин эсаётган шабада олиб келатган хилсиз муаттар ифори ни хиллаб тўймайсиз. Бу барчанинг ҳавасини келтириб, хушбўй ёқимли хид таратаётган муъжизакор ялпизлигини одамлар биладилар. **Ариқлар** бўйида қийинчиликсиз, эркин ва безмалол ўсадиган доривор ялпиз ўсимлиги кўп хилма-хил хусусиятларга эга. Ялпиз нафақат муаттар ифори, у жуда фойдали, ҳамда шифобахшдир. Ялпиз Грецияда яшаган Афродитанинг энг сеvimли ўсимлиги бўлган. Римда ялпизни севганлар, овқат тайёрлашда кенг ишлатганлар. Мисрада ялпизнинг қадри жуда баланд бўлган. Шарбатлар тайёр-

лашда ишлатганлар. Ҳар бир худудда ялпизни ўз одатларига биноан ишлатадилар. Ақлли ва фаҳм-идрокли қилади деб, гулчамбар ясаб бошларига кийиб юрадилар, дамламасини оғизни чайишда ва тишларни оқартиришда ишлатганлар. Яхудиелар ялпиздан атир тайёрлаганлар. Айрим мамлакатларда тетиклаштирадиган ичимликлар тайёрлашган. Ассирияликлар ялпизни дори сифатида қўллашган. Ялпиз бош оғриғида, кўнгил айнишида, ичак касалликларида ва қисилишларида яхши даволовчи восита ҳисобланган. Ялпиз ошқозон фаолиятини мутадиллаштиради, томирларни кенгайтириб юрак фаолиятини ва қон айланишини яхшилайдди. Бола эмизувчи оналарда сут миқдорини кўпайтирувчи таъсирга ҳам эга. Ялпизни таъмли ширин кулчалар, чойлар, ёғлар, томчи дорилар, таблеткалар, дамламалар, хушбўй ичимликлар, овқатлар таркибига қўшиб ишлатиш аҳоли орасида одатга айланган. Ялпиздан олинган эфир мойи дунёда энг оммабоп ҳисобланади. Ялпиз ҳиди зарарли ҳашаротларни ҳайдайди, меҳнаткаш асаларилар эса ялпиз гулларида шарбат йиғади. Ҳашаротлар чакқан жойга ялпиз малҳам шаклида қўйилса кичиши қолади. Нур шаҳри аҳолиси ялпизни севадилар, баргини чойга, овқатга соладилар, гўштга аралаштириб чучвара тайёрлашда ишлатадилар, ҳамда доривор ўсимлик сифатида кенг қўллайдилар.

Сухбат пайтида Хусайн ибн Сино ялпизнинг шифобахш хусусиятлари тўғрисида сўзлаб, бош оғриғида даво бўлишини, ички қон кетишларда фойдасини айтиб берди. Ерли аҳоли ялпизли чучвара истеъмол қилишларини, ялпиз баргларида чой дамлаб ичишларини олқишлади. Нур шаҳри даштларида ва тоғ ёнбағирларида ўсадиган себарга гули ва барг-

лари, янтоқ барглари, гули ва шақари (манна, таранджубин), оқ қаррак уруғи қўшиб тайёрланган дамламаларни истеъмол қилиш, хасталикларни даволашда жуда фойдали эканлигини айтди ва тавсия қилди. Шунингдек, Нур даштларида ўсган ўсимликларнинг гулларида йиғилган етилган асални кўпроқ истеъмол қилишни таклиф қилди. Нур шаҳрида араб тилида ёзилган асарлардан нусха кўчириб берувчи ва хатотлик анъаналарини давом эттирувчи кишиларнинг борлиги, табибларнинг қўлёмаларни ўқишлари, беморларни даволашда кенг фойдаланишлари Хусайн ибн Синони жуда қувонтирди. Нур шаҳри суви ва ҳавоси жуда тозаллиги, қовуни ва тарвузи ширинлиги, мевалари ва сабзавотлари мазалилиги, қўй ва эчкиларини гўшти парҳезбоплиги, доривор ўсимликларнинг кўплиги билан ажралиб туради. Нур шаҳрининг меҳнатсевар ва меҳмондўст, теран фикрли, оқил ва бунёдкор халқи бадавлатлик белгисидир. Меҳмонлар сафар пайтида мурожаат қилган беморларга ёрдам кўрсатиш ва маслаҳатлар бериш, доривор ўсимликлар йиғиш, поллизларда бўлиш, коризларни кўриш шарафига муяссар бўлишди.

Нур сафаридан амирлик пойтахти Бухоро-и Шарифга қайтиб келган Хусайн ибн Сино ва шогирди Нур шаҳридан олган зўр сафар таассуротлари ҳақида сухбатдошларига гапириб бердилар, ўзларига ёққан, ҳавасларини келтирган кўринишлар, ишлар ҳақида сўзладилар. Хусайн ибн Сино Валий Абул Ҳасан Нурий ҳаётига ҳаваси келганини, кароматлар соҳиби бўлишга жиддий киришишини яширмади.

Исроил ИСМОИЛОВ,
Тошкент шаҳар
1-сон болалар клиник
шифохонаси шифокори

МАХСУС ПОЛИКЛИНИКАЛАР ФАОЛИЯТДА



Коронавирус инфекциясига гумон қилинган шахслар ҳамда ушбу инфекция тасдиқланган беморларга бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш, зарур лаборатор ҳамда инструментал текширувлар ўтказиш, текширув натижаларидан келиб чиққан ҳолда уларга даво муолажаларини тавсия қилиш ва амбулатор даволашни йўлга қўйиш мақсадида пойтахтимизнинг II та туманида 1 тадан махсус поликлиникалар ташкил этилди.

Тиббий-санитария муассасалари ва хизмат кўрсатиш йўналиши яқин бўлган диспансерлар биносиде фаолият бошлаган мажмура поликлиникалар аҳолига куну тун хизмат кўрсатиши белгиланган бўлиб, ҳар бир марказга 3 тадан тиббий бригада бириктирилган ва улар таркибидан 2 нафар шифокор ҳамда 2 нафар ўрта тиббиёт ходими ўрин олган. Шу-

нингдек, беморларга шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида ушбу поликлиникалар рентген, кислород конденсаторлари, пульсоксиметр, зарур дори-дармонлар, сарфлов материаллари, дезинфекцияловчи эритма ва реактивлар, шунингдек, махсус тиббиёт воситалари билан таъминланган. Таъкидлаш лозимки, айни пайтда пойтахтдаги барча оилавий поликлиникалар ушбу поликлиникалар билан интеграция асосида фаолият юритаётган бўлиб, у ерга коронавирус инфекциясига гумондор ҳамда инфек-

ция тасдиқланган шахслар оилавий поликлиникалар йўлланмаси ва “103” хизмати орқали ёки ўзлари мустақил равишда ҳам мурожаат қилишлари мумкин. Агар тез тиббий ёрдам хизматига мурожаат қилган фуқаронинг шикоятларига қўра, унда коронавирус касаллиги гумон қилинса, беморга ўзи яшайдиган тумандаги махсус поликлиникага бориш тавсия этилади. Бироқ унинг ҳолат ва имконияти бунга монелик қилса, беморнинг уй манзили ёзиб олинади ва у ҳақидаги маълумот махсус поликли-

никага тақдим этилади. Сўнг, бемор махсус поликлиника учун ажратилган автотранспорт воситаси ёрдамида у ерга олиб келинади ва белгиланган стандартлар бўйича тиббий-санитария ёрдами кўрсатилади. Махсус поликлиникага мурожаат қилган беморлар учун махсус карта юритилиб, унда фуқаронинг динамика ҳолати, текширув ва даволаш натижалари қайд этиб борилади. Мурожаат қилганлар орасида “COVID-19” инфекцияси тасдиқланмаган беморлар бўлса,

улардан керакли таҳлиллар олинди ва тезкор равишда худудий санитария хизмати лабораторияларига етказилади. Шу билан бирга, беморлар оғирлик даражасига қўра сараланиб, аҳоли енгил фуқароларга уйда даволашнилари учун зарур тавсиялар берилади. Бироқ агар беморнинг аҳоли оғир бўлса, у зудлик билан махсус шифохонага юборилади ва бу ҳақида фуқаро истиқомат қиладиган худуддаги оилавий поликлиникага хабар қилинади.

Маълумот ўрнида айтиш лозимки, бугунги кунда пойтахтимиз аҳолисига янада қулайлик яратиш ва ҳар бир туманда коронавирус касаллигига қарши эмлаш ишларини самарали олиб бориш мақсадида махсус мобил автобуслар фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

Муаттар АБДУЛЛАЕВА,
Тошкент шаҳар Яшнабод туман
тиббиёт бирлашмаси бошлиғи.

Имконият

ДОИМИЙ ЭЪТИБОР ВА ИЖТИМОЙ ХИМОЯДА

Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида ногиронлиги бўлган шахслар бугунги кунда эътибордан четда қолмаслиги ва ижтимоий ҳимояда эканлиги барчага маълум.

Самарқанд вилоятида 2020 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра тиббий ижтимоий эксперт комиссияси (ТИЭК) рўйхатида турувчи умумий ногиронлиги бўлган шахслар сони 64088 нафарни ташкил этиб, шундан 1 гуруҳ 8953 нафар, 2 гуруҳ 48129 нафар, 3 гуруҳ 7006 нафарни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 декабрдаги 307-сонли қарорига асосан ҳар бир ногиронлиги бўлган шахсларга реабилитациянинг яқка тартибдаги дастури тузилади. Ушбу дастур ногиронлиги бўлган шахсларни розилиги билан улар ёки уларнинг қонуний вакили иштирокида тузилади. Реабилитация яқка тартибдаги дастури (РЯТД) 16 ёшдан катта ногиронлиги бўлган шахслар учун ҳудудий ТИЭКлар томонидан 16 ёшга тўлмаган ногирон болалар учун ҳудудий 16 ёшгача (ТИЭК)лар томонидан тузилади. РЯТД ҳар бир ногиронлиги бўлган шахсларнинг организм функциясини бўзилиши тури ва ҳаёт фаолиятини чеклашни даражасига қараб тузилади. Ушбу дастурда тиббий, касбий ва ижтимоий тавсиялар индивидуал танлаб берилди. Ушбу дастурни бажарувчи ташкилотлар бу даволаш профилактик муассасалари, реабилитация марказлари, бандликга кўмаклашиш марказлар ва бошқа корхона, муассасалар, ташкилотлар ҳисобланади.

Ўтказилган реабилитация чора-тадбирлари натижасида вилоятда 10 ой давомида 34 ҳолатда 1-гуруҳдан 2-гуруҳга, 336 ҳолатда 2-гуруҳдан 3-гуруҳ ногиронлиги қисман реабилитация қилинди, яъни қисман соғайтирилди. 306 ҳолатда эса, соғлигини тўлик тикланишига эришилди. Ногиронлиги бўл-

ган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси, жамоага коммуникатив мослашувини такомиллаштирилиши ҳам РЯТДга киритилади ва уни бажарилиши алоҳида аҳамиятга эга. Реабилитация яқка тартибдаги дастурини тузилиши ва сифатли бажарилиши учун, РЯТД тузувчи ва бажарувчи ташкилотлар маъсулият билан ёндашиб, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт фаолияти чекланиш даражасини пайсантирилиши ва жамоа орасида ўз ўрнини топишига кўмаклашимиз ҳозирги давр талабига мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари ТМЭКлар томонидан реабилитация потенциаллари бўлган (соғайиш потенциаллари) ногиронларимиз ҳудудий ва миллий реабилитация марказларига стационар даволаниши учун ордерлар билан таъминланади. Ҳудудий ва Миллий реабилитация марказларига вилоят бўйича 2020й 10 ой давомида 318 нафар ногиронлиги бўлган шахслар даволаниб чиқди, улардан 20 нафарининг соғлиги қисман, 11 нафариники тўлик тикланди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 13 март куни рўйхатга олинган 1229-сонли “Муҳтожлиги бўлган ногиронлик аломатлари бўлган шахсларни реабилитация техника воситалар ва протез ортопедик маҳсулотлар билан таъминланиши тўғрисидаги” қарорига асосан муҳтожлиги бўлган ҳар бир ногиронлик аломатлари бўлган шахсларга ҳудудий ТИЭКлар томонидан реабилитация техника воситалари (РТВ) ва протез ортопедик маҳсулотлар (ПОМ)ларга тиббий хулосалар расмийлаштириб тақдим этилади. Самарқанд вилояти ҳудуди бўйича 2020й 10 ой давомида 553 нафар 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган шах-

сларга ногиронлар аравасига тавсия берилиб, шундан 390 нафари таъминланган. Реабилитация техника воситаларига (ҳасса, қўлтиқтаёқ, тирсақли қўлтиқтаёқ, эшитиш аппарати ва х.к.) жами 1445 та тавсия берилган, шундан 642 ҳолатда таъминланган. Протез-ортопедия маҳсулотларига (оёқ протезлари, ортопедик пойафзал, туторлар, корсетлар ва х.к.) 767 та тиббий хулоса расмийлаштириб берилган, шундан 294 ҳолатда таъминланган.

Бугунги кунда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш лаёқатини биринчи, иккинчи даражали бузилган ҳар бир ногиронлиги бўлган шахслар меҳнат билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. 2008 йил 11 июлдаги 162 – сонли “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси қонунининг ногиронлиги бўлган шахсларларни меҳнати тўғрисидаги 5 боби 23-моддасида ногиронлиги бўлган шахсларни меҳнат шароитлари кўрсатилган, яъни ташкилотларда банд бўлган ногиронлиги бўлган шахсларга реабилитация қилишининг яқка тартибдаги дастурларига мувофиқ зарур меҳнат шароитлари яратилади.

Жамоа ёки яқка тартибдаги меҳнат шартномасида белгиладиган меҳнат шароитлари, шу жумладан, меҳнатга ҳақ тўлаш, иш вақти ва дам олиш вақти режими, йиллик ҳамда қўшимча таътиллари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилганидан кам бўлмаслиги ва бошқа ходимларга нисбатан ногиронлиги бўлган шахсларнинг аҳволини ёмонлаштирмаслиги ёки ҳуқуқларини чекламаслиги керак.

Ушбу қонуннинг 24-моддасида меҳнат қилиш ҳуқуқини ногиронлиги бўлган шахслар томонидан рўёбга чиқариш. Ногиронлиги бўлган шахслар меҳнат шароитлари одатдагича бўлган ташкилотларда, ногиронлар меҳнатидан фойдала-

ниладиган ихтисослаштирилган корхоналарда, цехларда ва участкаларда ишлашга, шунингдек, қонун билан тақиқланмаган яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини ёки бошқа фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир. Ногиронлиги туфайли ногиронлиги бўлган шахс билан меҳнат шартномаси тузишни ёки иш юзасидан уни юқори лавозимга кўтаришни рад этишга, у билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, ногиронлиги бўлган шахсни унинг розилигисиз бошқа ишга ўтказиш йўли қўйилмайди, тиббий-ижтимоий экспертизанинг хулосасига кўра ногироннинг соғлиги касб вазибаларини бажаришга монелик қилган ёки ногироннинг ёхуд бошқа шахсларнинг соғлиги ва меҳнат ҳавфсизлигига таҳдид қилган ҳоллар бундан мустасно. Ногиронлиги бўлган шахс ўз меҳнат қобилиятини тиклагандан сўнг, илгариги ишига ёки бошқа ишга жойлашиш ҳуқуқига эга.

Шундай экан ТИЭК томонидан кўриқдан ўтказилиб, ногиронлик гуруҳи белгиланган ва меҳнат билан шуғулланиш лаёқатини бузилиши биринчи, иккинчи даража бўлган ҳар бир фуқарога ўз ҳудудий ТИЭКи томонидан ҳудудий Бандликка кўмаклашиш марказига ишга тавсия йўлланмалари билан таъминланади. Бандликка кўмаклашиш марказлари ходимлари ТИЭК хулосасига мувофиқ меҳнат фаолиятини амалга ошириш имкониятига эга бўлган ногиронлиги бор шахсларга бўш турган касб учун меҳнат қобилияти, соғлиги, билим ва малака даражасидан келиб чиққан ҳолда маълум бир

касбга энг мосини танлаб олиш тушунтирилади ва ҳар томонлама бандлигини таъминлаш чораларини кўради.

Ногиронлиги бўлган шахсни ишга жойлаштириш жараёнида у учун умумий ёки ихтисослаштирилган корхонада иш ўрнини топиш, унга саломатлигига мос равишда махсус иш жойини яратиш, махсус дастур асосида ишга жойлаштиришни ташкиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда ташкилий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатади. Касбга йўналтиришда меҳнат бозори, иш берувчининг талабларига мос равишда ногиронлиги бўлган шахсни шахсий кизиқишлари, касбий маслаҳат, психологик қўллаб-қувватлаш, йўли билан кўмаклашади. Ҳудудий БКМ ва ТИЭКлар томонидан ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш, ўқитиш ва касбга ўргатиш бўйича чора-тадбирларни ҳамкорликда тузилади ва бажарилиши назорат қилинади.

Самарқанд вилоятида 2020 йилнинг 10 ойи давомида Бандликка кўмаклашиш марказларига жами 9151 нафар ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш учун йўлланма берилган, шулардан 1216 нафари иш билан таъминланган, 10 та ҳолатда эса касбга ўқитишга тавсия берилган.

Ногиронлиги бўлган шахсларни жамият ҳаётига мослаштириш ва ҳаётга бўлган кизиқишини ошириш, яшашга иштиёқини ва ўзига бўлган ишончини кучайтириш учун шифокорлар ва ТИЭК экспертларининг касбига маъсулият билан ёндашиши катта аҳамиятга эга.

Хулоса ўрнида шунини ишонч билан таъкидлаш жоизки, биз олдимизга қўйилган вазифаларга астойдил ёндашиб, халқимиз олдидаги бурчимизни бажаришга, халқ ишончини оқлашга ҳаракат қиламиз.

Наргиза БАКИЕВА,
Самарқанд вилояти 54-сон Бош тиббий ижтимоий эксперт комиссияси эксперт-неврологи.

ГИЁҲВАНДЛИКДАН ЁШЛАРИМИЗНИ АСРАЙЛИК

Инсоният тараққиётнинг янги-янги чўқиларини забт этмоқда. Бироқ жаҳонда халқлар, миллатлар келажагига таҳдид туғдирувчи бир қанча омиллар ҳамон сақланиб қолмоқда. Ана шундай хатарлардан бири гиёҳвандлик балосидир. Глобал муаммага айланган ушбу иллатга қарши курашишда давлатлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади.

Ўтган асрдан бизга “мерос” бўлиб қолган трансмиллий жиноятчиликнинг гучта энг хавфли тури инсоният келажагига хавф солиб келмоқда. Хусусан халқаро терроризм, дин ниқоби остидаги экстремистик, фундаменталистик ва сепаратистик ҳужжатлар, наркотик моддалар билан савдо қилиш (наркобизнес); одам савдоси ҳисобланади. Ҳозирги кунда ер юзидаги наркобизнесда айланаётган пул маблағи дунё аҳолисининг озик-овқат, кийим-кечак, турар-жой, таълим тизими ва тиббий хизматга сарфланаётган харажатларидан анча кўплиги билан фарқла-

ниши ҳеч қимга сир эмас. Энг ачинарлиси, гиёҳвандлик оғир жиноятларнинг содир этилишига, оилалар ва миллат генофондининг бузилишига сабаб бўлмоқда. Статистик маълумотларга кўра дунёда 500 миллиондан ортиқ одам гиёҳвандлик дардига йўлиққан. Унинг аксарият қисмини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этмоқда. Бунинг оқибатида ҳар йили 200 мингдан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмади. Шу билан бирга, жаҳонда содир этилаётган жиноятларнинг 57 фоизи гиёҳвандлар ҳиссасига тўғри келади. Шу боисдан, гиёҳванд-

ликка қарши курашни кучайтириш мақсадида БМТ томонидан “Наркотик моддалар тўғрисида”ги, “Психотроп моддалар” ҳамда “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисида”ги конвенциялар қабул қилиниб, 1987 йил 7 декабрдаги 47/112-сонли резолюциясига кўра “26-июнь-Халқаро наркотик моддаларини суистеъмолқилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш куни” деб эълон қилинган. Дунё бозорида тарқаладиган қора дорининг асосий қисми Афғонистонда етиштирилиб, уни ноқонуний йўл билан Марказий Осиё мамлакатлари орқали Ғарбга етказишга бўлгануриши йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Шунинг учун юртимизда наркотик моддаларни истеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш масала-

сига давлат ва миллатнинг эртасини ҳал этувчи омиллардан бири сифатида қараб келинмоқда. Ушбу иллатга қарши курашиш мақсадида бир қатор қонунлар ва ҳалқаро шартномалар қабул қилинди. Жумладан, “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва улар прекурсорларининг қонунга ҳилоф равишда муомалада бўлишига қарши курашиш бўйича. Марказий Осиё минтақавий аҳборот мувофиқлаштириш марказини ташкил этиш тўғрисида Россия Федерацияси, Озарбайжон, Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон Ре-

спубликалари ва Туркменистон ўртасидаги битимни (Остона, 2006 йил 24 июль) ратификация қилиш ҳақида”ги, “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги, “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги, “Озик-овқат-маҳсулотининг сифати ва ҳавфсизлиги тўғрисида”ги, “Сурункали алкогольизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида”ги қонунлар қабул қилиниши келажаги соғлом юрт куриш учун қўйилган энг дадил қадамдир.

Бундай захри қотил бугунги кунда айрим ёшларимизда ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Шундай экан, фарзандларимизни бу каби зарарли одатлардан асрашимиз ҳар биримизга катта маъсулият юклайди. Албатта, соғлом авлод ватан келажаги деганларидек, фарзандларимиз саломат бўлсагина, биз кураётган жамият пойдевори мустаҳкам бўлади.

Орзухон ЛАТИПОВА,
Тошкент вилояти, соғлиқни сақлаш бошқармаси мутахассиси

Актуальная тема

ОТСРОЧКА ПРИВИВКИ СЛЕДУЮЩИМИ
ДОЗАМИ ВАКЦИНЫ БЕЗОПАСНА — МИНИННОВАЦИЙ

Частичная приостановка на неделю вакцинации второй и третьей дозами китайско-узбекской вакцины ZF-UZ-VAC-2001 вызвала вопросы о том, безопасно ли это.

Пресс-служба Министерства инновационного развития Узбекистана в официальном сообщении заявила, что это не окажет негативного влияния на процесс вакцинации.

«Кратковременная отсрочка введения следующих доз вакцин не влияет на количество антител или других показателей, вырабатываемых в организме после вакцинации первой или второй дозой», — говорится в сообщении.

Согласно исследованиям и предварительным результатам массовой вакцинации населения Китайское агентство по контролю лекарственных средств разрешило увеличить интервал между первой и второй дозами вакцины до двух месяцев, а между второй и третьей дозами — до трёх меся-

цев. Эта практика уже введена в Китае, отметили в Мининноваций звук.

Согласно приведённым данным, к настоящему времени в Китае вакциной ZF-UZ-VAC2001 привито уже 140 миллионов человек по схеме 0, 2 и 6 месяцев.

«Исследования подтверждают, что увеличение времени между второй и третьей дозами создаёт основу для образования большего количества антител и их устойчивости в течение более длительного периода времени», — утверждает Мининноваций со ссылкой на научную статью на сайте bioRxiv.

По мнению производителя вакцины ZF-UZ-VAC-2001, увеличение временного интервала между второй и третьей дозами приводит к увеличению

нейтрализующих титров против разных штаммов коронавируса, отметили в министерстве.

Предположения в интернете о том, что приостановка вакцинации второй и третьей дозой связана с выявлением неких побочных действий является необоснованными слухами, заявили в Мининноваций.

«Если бы побочные эффекты от вакцины были обнаружены, Министерство здравоохранения не разрешило бы вакцинировать население первой дозой вакцины ZF-UZ-VAC2001. Кроме того, 5–6 августа в Узбекистан было доставлено 2 миллиона доз вакцины ZF-UZ-VAC2001, еще 2 миллиона доз будут доставлены в этом месяце. Правительством ведутся работы по налаживанию производства в Узбекистане двух видов вакцин, в том числе ZF-UZ-VAC2001, и эта работа будет завершена к концу августа», — добавили в министерстве.

Gazeta.uz

Эълон

Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юкумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг Вирусология илмий-тадқиқот институти таянч докторантура (PhD), мустақил изланувчилик (PhD/DSc) ва докторантурада (DSc) ўқиш учун талабгорларнинг хужжатларини қабул қилиш тўғрисида
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Вирусология илмий-тадқиқот институти таянч докторантура (PhD) ва мустақил изланувчилик (PhD) маълумоти тугалланган (магистр ёки клиник ординатура) дипломига эга бўлган шахсларни имтиҳон танлови натижалари асосида ва докторантурага (DSc) ва мустақил изланувчилик (DSc) тиббиёт фанлари номзоди бўлган шахсларни суҳбат асосида қабул қилади.

Қабул онлайн (www.phd.mininnovation.uz сайти орқали) амалга оширилади. Танлов шартлари ва қабул қилиш қоидалари бўйича маълумотлар Вирусология илмий-тадқиқот институтининг <https://riv.uz> сайтида жойлаштирилган.

Хужжатларни қабул қилиш муддати: 15 сентябрдан 15 октябргача. Белгиланган муддатдан кейин хужжатлар қабул қилинмайди.

Маълумот учун телефон: (99871) 224-83-26

Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юкумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг Вирусология илмий-тадқиқот институти клиник ординатурада ўқиш учун талабгорларнинг хужжатларини қабул қилиш тўғрисида
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Вирусология илмий-тадқиқот институти «Юкумли касалликлар» мутахассислиги бўйича клиник ординатурага қабул қилади. Кириш имтиҳони мутахассислик бўйича тест ва оғзаки сўров ўтказиш шаклида ўтказилади.

Танлов шартлари ва қабул қилиш қоидалари бўйича маълумотлар Вирусология илмий-тадқиқот институтининг <https://riv.uz> сайтида жойлаштирилган.

Хужжатларни қабул қилиш муддати: 20 июлдан ва 20 августгача. Белгиланган муддат-

дан кейин хужжатлар қабул қилинмайди. Қабул қилиш учун талаб қилинадиган хужжатлар институтнинг клиник ординатурага қабул қилиш бўйича масъул котибига тақдим этилади.

Хужжатларни қабул қилиш манзили: 100194, Тошкент шаҳри, Юнусобод, Янги шаҳар кўчаси, 7А.

Маълумот учун телефон: (99871) 224-83-26
Қабул вақти: душанба-жума 09.00-16.00 гача.

101 огоҳлантиради

ЭЪТИБОРЛИРОҚ БЎЛАЙЛИК

Содир бўлаётган ёнғинларнинг аксарият қисми газ ускуналари, иситиш печларини носоз ҳолда ишлатилиши ва иситиш печларининг дудбуронларини ўз вақтида тозаламаслик натижасида кўплай ёнғинлар келиб чиқмоқда.

Хонадонларда ёнғин каби кўнгилсиз ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида куйидагиларга амал қилишингизни сўраймиз:

— хонадондан чиқиш вақтида барча электр мосламаларни ва газ ускуналарини ўчиришни унутманг;

— газ иситиш печларини назоратсиз қолдирманг;

— газ иситиш печларини дудбуронларини доимий равишда тозаланишини таъминланг;

— газ плиталари устида кийим-кечакларни қурутманг;

— газ плитаси устида қозон

ёки чойнакни назоратсиз қолдирманг;

— газ плиталарини резина иланглари орқали улаб олмаг.

Кўрсатилган қоидаларга амал қилсангиз шахримиздаги ёнғинларнинг олдини олишга кўмаклашган бўлар эдингиз.

Музроб ТУРСУНОВ,
Миробод тумани ФВБ инспектори, қатта сержант.

Остеоартроз

ЛЕГКОСТЬ ДВИЖЕНИЙ

Боль в колене — одна из наиболее частых причин обращения к врачам-травматологам. По статистике, 80 % людей старше 50 лет имеют проблемы с опорно-двигательным аппаратом, а четверть из них — страдают от болей в коленях. О том, почему возникает болевой синдром в коленном суставе и как с этим справиться рассказали эксперты на встрече с журналистами.

Одно из самых распространенных заболеваний опорно-двигательной системы — остеоартроз. По данным НИИ ревматологии, на 2012 г. в России было зарегистрировано более 3,7 млн пациентов с такой патологией. При остеоартрозе происходит постепенное разрушение хрящевой ткани с последующим вовлечением в патологический процесс костей и околосуставных структур.



«Особому риску подвержен именно коленный сустав, на него приходится 89 % веса человека, и именно поэтому он больше предрасположен к получению травм и развитию различных заболеваний», — отметил кандидат медицинских наук, врач травматолог ортопед, ведущий юрист Ассоциации травматологов-ортопедов Москвы Дмитрий Зубков. Специалист добавил, что существует множество причин развития заболевания. Среди основных — травмы, старение, врожденные патологии и лишний вес. Так, у женщин с ожирением остеоартроз коленных суставов развивается в 4 раза чаще, чем у женщин с нормальным весом. Не прибавляет здоровья и обувь на высоких каблуках. При хождении на шпильках происходит неправильное распределение нагрузки на стопу. И это тоже может стать причиной разрушения коленного сустава.

Остеоартроз невозможно вылечить, но можно остановить развитие разрушительного патологического процесса. В качестве терапии при остеоартрозе используют комбинированный подход. Прежде всего, это немедикаментозное лечение, в которое входит лечебная физкультура, суставная гимнастика, подбор правильной обуви, физиотерапия.

Сейчас достаточно популярным становится такой вид занятий, как боди-балет. В его основе — упрощенные упражнения из хореографии и гимнастики, направленные на растяжку суставов и мышц. «Ежедневное выполнение этих простых упражнений гарантирует не только заряд бодрости, но и улучшает осанку, снимает мышечные зажимы и помогает сохранить здоровье суставов», — рассказала балерина, преподаватель хореографии в школе олимпийского резерва «Крылья советов» Ольга Кузьмина. Медикаментозное лечение базируется на применении наружных нестероидных противовоспалительных средств, помогающих снять отек, боль и воспаление. «Данная группа препаратов может быть эффективна в лечении заболеваний опорно-двигательного аппарата, травматических повреждений, в том числе спортивных, а также при воспалении сухожилий, мышц и связок. При этом важно пройти полноценный курс лечения — не менее 10 дней, особенно в случаях острых ситуаций, чтобы купировать симптомы и предотвратить дальнейшее развитие болезни», — уточнил Дмитрий Зубков.

Ирина СТЕПАНОВА.

Қарор ва ижро

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 19 июлдаги 172-сонли буйруғи ижросини таъминлаш, ҳамда 2021/2022 ўқув йилида клиник ординатурага хужжатларни қабул қилиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини кенг кўламда олиб боришни кучайтириш мақсадида бакалавриант битирувчилари, уларнинг яқин қариндошлари ва бошқа фуқароларга эгалланадиган мутахассислик хусусиятлари, хужжатларни қабул қилиш ва синовларни ўтказиш тартиблари, вилоятлар ҳокимликлари томонидан тўлаб бериладиган тўлов-контракти асосида ўқиш тартиблари юзасидан тўлиқ ва батафсил тушунтириш ишлари олиб борилиши лозим.

2021/2022 ўқув йилида клиник ординатура (резидентура) га қабул қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги «Тиббий санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 4666-сонли ва 2021 йил 22 июндаги 2021/2022 йил ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида» 5157-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳудуд учун зарур бўлган тор мутахассисликдаги шифокорларни тайёрлаш мақсадида вилоят ҳокимликлари томонидан маҳаллий бюджетдан ажратилган ҳокимлик грантлари асосида таълим олган шифокорларга тегишли вилоятга бориб, уч йил ишлаб бериш мажбурияти юклатилади.

Ҳаммаси бўлиб Тошкент вилоятига 323 та квота ажратилган бўлиб, шундан 35 таси давлат гранти асосида, 288 таси маҳаллий ҳокимликлар (шаҳар, туман) томонидан молиялаштирилади.

Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси.

Объявление

Запрос коммерческого предложения (ЗКП)

Республика Узбекистан

Проект: Строительство и оснащение современным медицинским оборудованием Республиканских специализированных научно-практических медицинских центров
Закупка специализированного медицинского оборудования для Республиканских специализированных научно-практических медицинских центров
(ЗКП №: UZB-4/588/RfQ/01)

Ссылка: Заемное соглашение между Саудовским фондом развития (СФР) и Правительством Республики Узбекистан (UZB-4/588)

1. Правительство Республики Узбекистан получило финансирование от Саудовского фонда развития («Фонд») для покрытия расходов, связанных с проектом «Строительство и оснащение современным медицинским оборудованием республиканских специализированных научно-практических медицинских центров», и намеревается использовать часть этого финансирования для выплат по контрактам на закупку специализированного медицинского оборудования для республиканских специализированных научно-практических медицинских центров.

2. Министерство здравоохранения Республики Узбекистан настоящим приглашает правомочных участников торгов представить свои коммерческие предложения на поставку следующего наименования оборудования:

№ лота	Наименование оборудования	Кол-во (всего)
1.	Ультразвуковой А-В скан	1
2.	Ультразвуковой биомикроскоп	1
3.	Конфокальный сканирующий микроскоп	1
4.	Сканирующий лазерный офтальмоскоп	1
5.	Терапевтическая лазерная система, Тип 1	1
6.	Терапевтическая лазерная система, Тип 2	1
7.	Терапевтическая лазерная система, Тип 3	1
8.	Система эксимерного света	2
9.	Система для фототерапии, Тип 1	2
10.	Система для фототерапии, Тип 2	4

Участники торгов могут предоставить предложение, как на все Лоты, так и на любой из Лотов по отдельности. Коммерческое предложение на конкретный лот должно содержать все позиции лота и 100% количества, указанных для каждой позиции лота. Предложения будут оцениваться и контракты будут присуждаться раздельно по Лотам.

3. Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить дополнительную информацию в офисе Группы реализации проекта и ознакомиться с тендерными документами по нижеуказанному адресу с 10.00 до 17.00 часов (по Ташкентскому времени).

4. Коммерческие предложения должны быть доставлены по нижеуказанному адресу, не позднее **15:00 часов (Ташкентское время), 06 сентября 2021 года.**

Коммерческие предложения, представленные с опозданием, будут отклонены. Предложения в электронном виде не принимаются.

Вскрытие предложений состоится в присутствии представителей участников торгов, которые пожелают принять в этом участие, по адресу, указанному ниже адресу в **15:10 часов (Ташкентское время), 06 сентября 2021 года.**

Объединенная группа реализации проектов (ОГРП)
Министерства здравоохранения Республики Узбекистан
 Вниманию: Руководителя ОГРП
 Республика Узбекистан, г. Ташкент, ул. Паркентская, 51
 Тел. / Факс: +99871 268-25-39 (доп.124)
 Эл. почта: sfd.ssmc@gmail.com

Advertisement

Request for Quotations (RfQ)

Republic of Uzbekistan

Construction and Equipping of Specialized Scientific Medical Centers with Modern Medical Equipment Project
Procurement of specialized medical equipment for republican specialized scientific medical centers
RfQ No.: UZB-4/588/RfQ/01

Reference: Loan Agreement between Saudi Fund for Development (SFD) and the Republic of Uzbekistan (UZB-4/588)

1. The Government of the Republic of Uzbekistan has received financing from the Saudi Fund for Development ("Fund") toward the cost of "Construction and Equipping of Specialized Scientific Medical Centers with Modern Medical Equipment" Project, and it intends to apply part of the proceeds of this financing to payments under the contracts for Procurement of specialized medical equipment for republican specialized scientific medical centers.

2. The Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan now invites price quotations from eligible bidders for supply of the following equipment:

Lot No.	Description of equipment	Quantity (total)
1.	Ultrasonic A-B scan	1
2.	Ultrasound biomicroscope	1
3.	Confocal scanning microscope	1
4.	Scanning laser ophthalmoscope	1
5.	Therapeutic laser system, Type 1	1
6.	Therapeutic laser system, Type 2	1
7.	Therapeutic laser system, Type 3	1
8.	Excimer light system	2
9.	Phototherapy system, Type 1	2
10.	Phototherapy system, Type 2	4

Bidders may quote for any or all Lots. A quotation for a particular lot must contain all items of the lot and 100% of the required quantities for each item of the lot. Price quotations will be evaluated and contracts will be awarded on Lot-by-Lot basis.

3. Interested eligible bidders may obtain further information from the Project Implementation Unit and inspect the bidding documents at the address given below from 10.00 to 17.00 hours (Tashkent time).

4. Price quotations must be delivered to the address below at or before **15:00 (Tashkent time), September 06, 2021.**

Late quotations will be rejected. Quotations in electronic form will not be accepted.

Quotations will be opened in presence of the bidders' representatives who choose to attend at the address specified below the Bidding Documents at **15:10 (Tashkent time), September 06, 2021.**

United Project Management Unit (UPMU)
of the Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan
 Attention: Manager of UPMU
 51, Parkent str., Tashkent, 100007 Republic of Uzbekistan
 Tel.: +99871 268-25-39 (add.124)
 Email: sfd.ssmc@gmail.com

Конунга шарҳ

АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИЛДИ

2021 йил 2 август куни «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Қонун мамлакатимиз Президентини томонидан имзоланди.

Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини ва «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонунига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Яъни, ходим мажбурий тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлаган ёки ўтказилган текширишлар натижалари бўйича тиббий комисси-

ялар томонидан берилган тавсияларни бажармаган, шунингдек, қарантинли ва одам учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши таҳдиди мавжуд бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг қарори асосида қонунчиликда белгиланган тартибда жорий этилаётган профилактик эмлашдан ўтишни

рад этган тақдирда (соғлиғининг ҳолатига кўра қарши кўрсатма мавжуд бўлмаганда) иш берувчи уни ишга қўймайликка ҳақлилиги белгиланди.

Ҳозирда мамлакатимизда бўлаётган оғир шароитда шуни тушуниш лозимки, эндиликда ходим корона-вирусга қарши эмлашдан ўтишни рад этса, иш берувчи уни ишга қўй-

масликка ҳақлилиги қонунан белгиланди.

Бундай ҳолатда иш берувчи ходимни фақат ишдан четлатиши мумкин, лекин бунини асос сифатида кўрсатиб ишдан бўшатиши мумкин эмас.

Ғофиржон СОЛЮМОВ,
 Андижон вилояти, Пахтаобод тумани адлия бўлими бошлиғи.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371) 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 690 нусха.
Буюртма Г-840

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.